



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2024 йил 17 август, № 166 (8789)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



БИР БЎЛСАК — ЯГОНА ХАЛҚМИЗ, БИРЛАШСАК — ВАТАНМИЗ!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси ижросини самарали таъминлаш, норма ижодкорлиги жараёнида “ақли тартибга солиш” усулларидан кенг фойдаланиш ҳамда ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш барқарорлигини таъминлаш, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш ҳамда қонунчилик ҳужжатлари натижадорлигини мониторинг қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини ривожлантириш мақсадида:

1. Адлия вазирлиги томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 1 860 та қонунчилик ҳужжатлари экспертизадан ўтказилганлиги ва шундан 243 та ҳужжатда 350 та ўз аҳамиятини йўқотган, амалга ошириш механизмлари билан таъминланмаган нормалар ва ҳуқуқий бўшлиқлар аниқланганлиги ҳамда уларни бартараф этиш бўйича тегишли тақлифлар ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Куйидагилар: Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига молия, кредит, банк, тадбиркорлик фаолияти, ижтимоий ҳимоя, таъшиқотиқисодий алоқалар ҳамда божхона иши соҳаларида қонунчиликни такомиллаштиришга йўналтирилган ўзгартириш ва қўшимчалар 1-иловага мувофиқ;

Қонунчилик ҳужжатларидаги ўз аҳамиятини йўқотган, амалга ошириш механизмлари билан таъминланмаган нормалар ва ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш бўйича “Йўл харитаси” 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз аҳамиятини йўқотган айрим ҳужжатлари

3-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларидаги ўз аҳамиятини йўқотган ва амалга ошириш механизмлари билан таъминланмаган нормалар, ҳуқуқий бўшлиқлар ҳамда коррупциявий омилларни бартараф этиш бўйича “Йўл харитаси”ни тасдиқласин.

2. 2024 йил 1 октябрдан бошлаб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг (кейинги ўринларда — баҳолаш) соддалаштирилган ва кенгайтирилган тартиби жорий қилинсин. Бунда: а) соддалаштирилган тартибда лойиҳа ишлаб чиқилишидан олдин куйидаги тартибга солиш воситалари баҳоланади ва баҳолаш натижалари юзасидан Адлия вазирлигининг дастлабки хулосаси олинади:

жисмоний ва юридик шахсларга мажбурият, талаб, таъқиқ, жавобгарлик ёки бошқа чекловларни белгилаш (кейинги ўринларда — талаблар), уларни ўзгартириш ёхуд талабларга риоя қилишни ёки уларни бажаришни таъминлаш билан боғлиқ таъсир чораларини қўллаш;

тадбиркорлик субъектларига тақдим этилаётган имтиёз, преференция ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг бошқа турларини жорий қилиш, уларнинг таъсир доирасини кенгайтириш ёки қисқартириш;

б) кенгайтирилган тартибда куйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари баҳоланади: соддалаштирилган баҳолаш натижалари бўйича иқтисодий, ижтимоий ва атроф-муҳитга таъсири даражаси юқори деб топилган лойиҳалар;

Олий Мажлис палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси топшириқлари ҳамда бахорлаш соҳасидаги ваколатли органлар, жамоатчилик ва бошқа манфаатдор томонларнинг таклифига кўра кенгайтирилган баҳолашдан ўтказилиши лозим деб топилган лойиҳалар.

Адлия вазирлиги икки ой муддатда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тартибга солиш таъсирини соддалаштирилган ва кенгайтирилган баҳолашдан ўтказилиши услубиётини тасдиқласин.

3. Амалдаги қонунчилик ҳужжатларини қўллаш самарадорлигини таҳлил қилиш, баҳолаш фаолиятини комплекс ташкил этиш ва бу борада жорий этилган институтларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда таъсирчанлигини ошириш мақсадида 2025 йилдан бошлаб куйидагиларни назарда тутувчи тартиб жорий этилсин:

а) ижтимоий муносабатларни тартибга солуви, ҳуқуқий нормаларни белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат кучга кирганда сўнг:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш мақсадларига эришилишини таҳлил қилиш, унинг ижросини таъминлаш ҳамда баҳолаш учун статистик маълумотларни йиғиш мақсадида ҳар йили маъсул давлат органи томонидан мониторинг олиб борилади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш мақсадларига эришилганлиги ва самарадорлигини аниқлаш мақсадида қонуности ҳужжатлари ҳар уч йилда маъсул давлат органи томонидан баҳолашдан ўтказилади; қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатда унинг мониторинги ва баҳолашдан ўтказилишига маъсул бўлган давлат органи кўрсатилади;

(Давоми 2-бетда).

Янги руҳ: Мустақиллик — тақдиримизда

ИСТИҚЛОЛ ҚУЁШИ ҲЕЧ ҚАЧОН СЎНМАЙДИ!

Инсон нима учун қоронғилиқдан, зулматдан, тундан қочади, хамиша нурга, ойдан ва ёруқ кунларга интилиб яшайди? Чунки ёруғликда бахт, ҳаловат, қалбга таскин бор. Унинг замирида бунёдкорлик, гузал умид ва ширин орзу-ниятлар рўёби муҳассас.

Хўш, айтинг-чи, кимнинг нурдан ҳаёл худудларидан ҳам наридаги қўрқув, ҳадиксираш, ташвиш ва армонлар билан яшагиси келади?! Ҳеч кимнинг! Бу фикрларни беҳиз келтирмадик. Миллатимиз 130 йилдан ортиқ вақт давомида ана шундай рутубат ва зулумот исканжасида, ёруғ кунларни кутиб, ҳатто уни орзу қилишга ҳам қўрқиб яшади.



Оқил САЛИМОВ, академик.

Шўжри, бундан 33 йил муқаддам қора тунлар, ҳайқиш ва қўрқувларга барҳам берилди. Юртимизда ҳурлик ва бахтиёрликнинг муаззам тонги отди. Умримиз, юрагимиз ва руҳиятимизда нур балқиди. Жонажон Ватанимизда ниҳоят ўзи истаган нурафшон қисмат, порлоқ ҳаётга эришди. Ойдан келажак сари қўрқмай-нетмай одимлай бошлади.

ларни, ота-боболаримиз бу азобларга қандай дош берганларини, эркин ва озод ҳаёт орзуси улар қалбида ҳеч қачон сўнмаганини қанчалар қизқиш билан ўргансалар, янги Ўзбекистонни қуриш йўлида ҳам қандай қаршиликларга дуч келганимиз, моддий ва маънавий хуруқларини қандай бартараф этганимиз, бу жараён осон бўлмаганини, истиқлолни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш, уни ёмон кўзлардан, бало-қазолардан асраб-авайлаш, мамлакатимизда тинчлик-тотувликка, аҳил-иниқликка эришиш ўта қийин ва мураккаб кечганини, Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида энг оғир муаммоларни иш кўзини билиб, сабр-бардош, ақлидор билан енгиб ўтганимизни ҳам шундай эътибор ва ҳавас билан ўрганади.

Утган йиллар мобайнида истиқлол билан бирга биз ҳам ўсиб-ўлгайдик, ёшимизга ёш қўшилди, дунёқарашимизда, онг-шууримизда, турмуш тарзимизда жуда катта ўзгаришлар юз берди.

Бундай дейишга ҳамма асослар бор. Ўзбекистон жуда қисқа давр ичида моҳиятан ўчмас, балки беш-олти ўн йилликка тенг келадиган мустақил тараққиёт йўлини босиб ўтди. Биз учун энг муҳим вазифа — ортга қайтмас ислоҳотларни давом эттириш, одамларда, айниқса, ёшларда эртанги истиқбол кунларига ишончини сувайтирмаслик, бутун мамлакатда тадбиркорлик ва ташаббускорликни кучайтириш, одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, жаҳон ҳамжамияти сари дадил интилиш. Бу мақсад мамлакатимизнинг дунё майдонидидаги ўрнини янада мустаҳкамлайди.

Халқимиз тарихининг буюк ва ўчмас саҳифасини бошлаб берган 1991 йилнинг 1 сентябрида дунёга келган ватандошларимиз янги шароитда, эркинлик, ҳурлик бағрида ўсиб-ўлгайдилар. Миллатнинг келажаги, халқимизнинг янада фаровон ҳаёти, Ватанимизнинг шон-шавкати қалби шижоат, қатъият, замонавий билимларни эгаллашга бўлган иштиёқ билан тўла шу ёшларга боғлиқ эканини улар яхши тушунади ва бу билан фахрланадилар ҳам.

Бу ҳақда узоқ гапириш мумкин. Дил сўзларим, мулоҳазаларим, мушоҳадаларим, хулосаларим бисёр. Шу билан бирга, кўнглимда бир ҳадик ҳам борки, то бугунги ёруғ кунлар қадрига етмас, унинг боқийлигини асрашга бутун борлигимиз билан интилмас эканмиз, биз ботинан ҳалигача зулматда яшаётган бўламиз. Боқимандалик, ўзибўларчилик, лоқайдлик, ўз тақдирини Ватан тақдирига дахлдор ҳис қилмаслик эришаётган барча ютуқларимизнинг заволига олиб келиши мумкин. Шундай экан, ҳар инсон қалбида, аввало, шўжронлик, бугунги дориламон кунлардан розилик, келажакка юксак ишонч ва фидойилик барқ урса, шубҳасиз, энг юксак марралар бизники бўлажак. Ҳурлик тонги абадий отавади. Истиқлол куёши мангу сўнмайди!

Келгуси авлод миллатимизнинг мустақилликка бўлган ғубуртали тарихини, бу йўлда чекилган азоб-уқубатлар, оғир йўқотишларни, берилган қурбонларни, ҳақорат ва ҳўрлик-

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг эллик бешинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2024 йил 16 август куни Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенати мажлис залидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг эллик бешинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.



Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ушбу Конвенция жаҳоннинг 20 та давлати томонидан ратификация қилинган. Конвенциянинг мақсади

тўлиқсиз иш вақти шароитида ишловчи ишчиларнинг меҳнат шарт-роитларини, уларни меҳнатга ҳақ

тўлаш ва ижтимоий таъминот соҳасидаги камситишдан ҳимоя қилишни таъминлашдир.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИГА ИМЗО ВАРАҚАЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТДИ

Сиёсий партиялар сайловда иштирок этиши ва депутатликка номзод кўрсатиши учун сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камидан тўрт ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган ва ўзининг сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи камидан қирқ минг сайловчининг имзосини тўплаши зарур.



чи сайловчиларнинг имзоларини тўплашга киришди. Юқоридагиларга асосан кеча Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси, “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳамда Ўзбекистон Экологик партияси томонидан сайловда иштирок этишга ижозат бериш бўйича Марказий сайлов комиссиясига “E-saylov” ахборот тизими орқали мурожаат юборилди. Шунингдек, тўпланган имзо варақалари Марказий сайлов комиссиясига кўриб чиқиш учун топширилди.

Конунчиликка кўра ҳар бир маъмурий-ҳудудий тўзилмадан, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тўпланган сайловчиларнинг имзолари, республика бўйича тўпланиши лозим бўлган имзоларнинг кўпи билан саккиз фоизини ташкил этиши лозим. Жорий йил 31 июль санасида МСК

томонидан Конунчилик палатаси сайловида сиёсий партиянинг иштирок этишини қўллаб-қувватловчи имзоларни тўплаш учун ҳар бир сиёсий партияга қирқ минг сайловчининг имзосини тўплаш имконини берадиган имзо варақалари бланкалари берилди. Сиёсий партиялар шу кундан бошлаб ўз партиясининг сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватлов-

Сиёсий партиялар тақдим этган имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганлиги МСКнинг эксперт гуруҳлари томонидан беш кунлик муддатда текшириб чиқилади.

«Халқ сўзи».

МУКАММАЛ СТРАТЕГИЯ — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 21 июндаги “Педагогик таълим сифатини ошириш ва педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори педагогик таълимни янги босқичга олиб чиқишдаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Ушбу ҳужжатда педагог кадрлар тайёрловчи олийгоҳларни

тизимли ривожлантириш, уларнинг бошқарув фаолиятини такомиллаштириш, илғор хорижий тажрибаларни жорий қилган ҳолда замонавий таълим дастурларини ишлаб чиқиш, юқори малакали профессионал кадрлар тайёрлашни янги босқичга кўтариш, педагогика соҳасида таълим, фан ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш билан боғлиқ муҳим вазифалар белгиланган.

Нукта назар

Педагогик олий таълим муассасалари фаолиятда мазкур қарор бурилиш нуктаси ҳисобланади. Чунки унда ушбу олийгоҳлар фаолиятини янада ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари билан боғлиқ фунда-

ментал меъёрлар белгилаб берилган. Мазкур қарор ижросини таъминлаш ўзида муайян механизм ва кўрсаткичларни жамловчи аниқ стратегия ишлаб чиқиш заруратини келтириб чиқарди. Шу боис Чирчиқ давлат педагогика университети узоқ ва ўрта муддатларга мўлжалланган Университетни пе-

дагогик таълим инновацион кластери асосида ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқди. Мазкур стратегия замонавий ижтимоий-иқтисодий шароитларда педагогик таълимни такомиллаштиришнинг етакчи йўналишларини белгилаб беради ва унинг ижтимоий самарадорлигини оширишга замин яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ БАҲАҚАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат мониторинги ва баҳолаш натижалари мажбурий равишда Адлия вазирлигига тақдим этилади ҳамда масъул давлат органининг расмий веб-сайтида эълон қилиб борилади;

б) қонунчилик ҳужжатларининг ҳуқуқий мониторинги тартибга солиш таъсирини баҳолаш ҳамда коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш бўйича комплекс режа (кейинги ўринларда — комплекс режа) ҳар йили Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади;

г) комплекс режа ижроси бўйича Адлия вазирлиги ҳисоботи Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Администрациясига тақдим этиб борилади.

4. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг экспертлар билан кенг муҳокама қилган ҳолда ишлаб чиқишлигини таъминлаш мақсадида:

а) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда, шу жумладан, баҳолашда, маълумот йиғиш (сўров, фокус гуруҳ муҳокамалари ва бошқа) жараёнларига илмий таъминотлар ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари кенг жалб қилинади;

б) 2024 йил 1 октябрдан бошлаб: давлат органлари томонидан қонун лойиҳалари бўйича ушбу соҳадаги давлат экспертлик илмий-тадқиқот муассасалари хулосалари мажбурий равишда олинади, қонунчилик ҳужжатларини ўзаро мувофиқлаштиришга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳамда ўз кучини йўқотган деб топишни назарда тутувчи лойиҳалар бундан мустасно;

давлат экспертлик илмий-тадқиқот муассасалари хулосалари ва муҳокама натижалари бўйича материаллар лойиҳани Адлия вазирлиги ҳамда ҳужжатни қабул қилувчи органларга киритишда мажбурий тартибда илова қилинади.

5. Адлия вазирлиги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти билан биргаликда икки ой мuddатда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини илмий экспертизадан ўтказиш тартибин Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини баҳолаш ва коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишда республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи таъминотида Бош вазир котибияти таркибидан 3 та штат бирлигини иборат Тартибга солиш таъсирини баҳолаш ва коррупцияга қарши экспертиза бўлими (кейинги ўринларда — Бўлим) ташкил этилсин.

Бунда Бўлимнинг штат бирикмади Адлия вазирлиги тизимидан 2 та штат бирлигини ҳамда Рақобатни

ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси тизимидан 1 та штат бирлигини мақбуллаштириш ҳисобига шакллантирилади.

Куйидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини баҳолаш ва коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш соҳасида республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳамда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг баҳолашдан ўтказилишини ва коррупцияга қарши экспертизасини амалга ошириш;

манфаатдор давлат органлари ва ташкилотлари билан биргаликда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижро этилиши ҳолатининг танқидий таҳлилин амалга ошириш, натижаси бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таъминлаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш;

республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва баҳолашдан ўтказишнинг барча босқичларида жамоатчилик муҳокамаси ўтказилиши юзасидан мониторингнинг амалга ошириш;

қонунчилик ҳужжатларида коррупцияга шариот яратувчи нормаларни аниқлаш ва бартараф этиш тизимининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш.

7. Адлия вазирлиги ҳузурдаги Қонунчиликни таҳлил қилиш ва тартибга солиш таъсирини баҳолаш институти (кейинги ўринларда — Институти)нинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

ижтимоий муносабатларни тартибга солиш барқарорлигини таъминлаш соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказиш, тартибга солиш таъсирини баҳолаш сиёсатини самарали амалга ошириш йўналишларини ишлаб чиқиш;

қонунчилик ҳужжатларини баҳолашдан ўтказиш орқали ижтимоий муносабатларни самарали ва барқарор тартибга солиш ҳамда тартибга солиш юқини камайитиришга қаратилган тақлифларни ишлаб чиқиш;

қонунчилик ҳужжатлари ва уларнинг лойиҳаларини баҳолаш, илмий, ҳуқуқий, коррупцияга қарши ва бошқа турдаги экспертизадан ўтказиш бўйича услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш, мазкур йўналишларда ўқув курсларини ташкил этиш;

қонунчиликдаги муаммоларни таҳлил қилиш, ҳуқуқий нормаларнинг ўзаро боғлиғини, комплекслиги ва уйғунлиги мониторингини ўтказиш, қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш йўналишларини белгилаш;

етақчи хорижий илмий-тадқиқот ташкилотлари билан ҳамкорликни жаддалаштириш, халқаро молия институтлари

ва хорижий донорларнинг техник кўмак ва грантларини жалб қилиш;

қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, уларни баҳолаш, илмий, ҳуқуқий ва коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш бўйича тартибга солишга хизматлар кўрсатиш.

Белгилаб қўйилсинки, Институт ходимлари меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шарт-шароитлари бўйича Адлия вазирлиги марказий аппарати ходимларига тенглаштирилади.

Адлия вазирлиги икки ой мuddатда Институт фаолиятини самарали ташкил этишни назарда тутувчи Ҳуқумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Вазирлик ва идоралар марказий аппаратларида тузилган стратегик режалаштириш ва методология бўйича таркибий бўлинмалар зиммасига қуйидаги қўшимча вазифалар юклансин: ташкилотнинг норма ижодкорлиги фаолиятига “ақлли тартибга солиш” воситаларини кенг жорий этиш;

ташкилот томонидан ишлаб чиқишли режалаштириладиган қонунчилик ҳужжатлари лойиҳалари бўйича маълумотларни шакллантириш ва уларни Режалаштириш дастурига киритиш; норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳалари баҳолашдан ўтказилишини таъминлаш, шунингдек, ташкилотнинг норма ижодкорлиги фаолиятига, шу жумладан, баҳолаш юзасидан услубий ёрдам кўрсатиш;

қонунчилик ҳужжатлари ижроси мониторингини ўтказиш, шу жумладан, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш, таҳлил қилиш, унинг барқарорлигини таъминлаш бўйича тақлифларни ишлаб чиқиш.

9. Стратегик режалаштириш ва методология бўйича таркибий бўлинмалар, қанда тарихисиди, тегишли соҳа мутахассислари, иқтисодчи, ҳуқуқшунос мутахассислигига эга ходимлар билан ҳамнавади ҳамда уларнинг ҳар икки йилда камида бир марта мажбурий равишда малакасини ошириш тартиби жорий этилади.

Стратегик режалаштириш ва методология бўйича таркибий бўлинмалар ходимлари малакасини оширишни ташкил этиш Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

10. Белгилансинки, қуйидаги харажатлар республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг бюджетдан ташқари маблағларни ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини баҳолашдан ўтказиш жараёнига илмий ташкилотлар, маслаҳат хизматини кўрсатадиган ташкилотлар ва соҳа экспертларини жалб қилиш билан боғлиқ харажатлар;

республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг баҳолаш учун масъул ходимларининг малакасини ошириб бориш билан боғлиқ харажатлар.

11. Давлат органларининг қонунчилик ҳужжатлари

лойиҳаларини баҳолашдан ўтказиш фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиш, баҳолаш, ходимларни рағбатлантириш ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини тартибга солиш таъсирини баҳолаш рейтингини (кейинги ўринларда — Рейтинг) жорий этилсин.

Рейтинг ушбу Фармонга 4-иловада келтирилган баҳолаш мезонлари асосида Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланмаган Давлат органлари ва ташкилотларининг қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини баҳолаш рейтингини аниқлаш услубиётига мувофиқ юритилади.

12. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ: Адлия вазирлиги томонидан ҳар йили йил якунлари бўйича Рейтинг аниқланади ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади;

Рейтингда дастлабки уч ўринни эгаллаган давлат органларининг баҳолашга масъул ходимлари тегишли давлат органнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ойлик меҳнат ҳақи фондининг уч бараваридан кам бўлмаган миқдорда бир марталик моддий рағбатлантирилади;

Рейтингни паст давлат органларининг фаолиятини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар белгиланади.

13. Адлия вазирлиги (А.Ташкулов): масъул вазирлик ва идораларга мазкур Фармон талабларини амалга оширилиши юзасидан амалий ва услубий ёрдам кўрсатиб бориш;

2024 йил 1 ноябрга қадар Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишининг ягона электрон тизимини ушбу Фармон талаблари асосида такомиллаштиришни таъминлаш;

бир ой мuddатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу Фармонга 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган ҳужжатлар асосида қабул қилинган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни хатловдан ўтказиб, уларни ўз кучини йўқотган деб топиш чораларини кўрсин;

уч ой мuddатда қонунчилик ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида тақлиф киритсин;

ушбу Фармоннинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш ва ижроси мониторинги учун масъул этиб белгилансин.

14. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2024 йил 16 август

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг эллик бешинчи ялпи мажлиси тўғрисида

АХБОРОТ

1 Конвенция қоидалари тўлиқсиз иш вақти шариотида ишлайдиган барча шахсларга нисбатан қўлланади.

Муҳокама давомида тўлиқсиз иш вақтида ишлайдиганлар тўлиқ иш вақтида ишлайдиганлар билан бир хил ҳақ-ҳуқуқ ҳамда ижтимоий ҳимояга эга бўлиши лозимлиги таъкидланди.

Сенаторлар Конвенция нормалари Ўзбекистон қонунчилигига, шунингдек, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг мақсад ва вазифаларига тўлиқ мос келишини қайд этди.

Муҳокама чоғида Конвенциянинг ратификация қилиниши тўлиқсиз иш вақти шариотида ишловчи меҳнаткашлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун қўшимча кафолатлар яратишга имкон бўлиши, меҳнатни муҳофаза қилиш миллий тизимини янада такомиллаштиришга салмоқли туртки бериши таъкидланди.

Сенаторларнинг таъкидлашича, Конвенциянинг ратификация қилиниши меҳнат соҳасидаги миллий қонунчиликни такомиллаштиришга ва халқаро стандартларни самарали жорий этишни таъминлашга қўшимча қилади, шунингдек, Ўзбекистоннинг ходимлар ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш бўйича асосий халқаро принциплар ва стандартларга содиқлигини кўрсатади.

Муҳокама якунлари бўйича қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра “Маданий ёдгорликларни сақлаш ва реставрация қилиш бўйича халқаро тадқиқот маркази Уставига (Рим, 2013 йил 29 ноябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида”ги қонун муҳокама қилинди.

Маданий ёдгорликларни сақлаш ва реставрация қилиш бўйича халқаро тадқиқот маркази 1956 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг қароргоҳи Римда жойлашган. Ҳозирги вақтда 140 га яқин мамлакатлар ушбу халқаро ташкилотга аъзо бўлган.

Таъкидланганидек, Халқаро тадқиқот маркази таълим, ахборот тарқатиш, тадқиқотлар ва ҳамкорлик, жамоатчилик кампаниялари орқали жаҳон маданий меросини асраб-авайлашга ихтисослаштирилган халқаро ташкилотдир.

Халқаро тадқиқот маркази ЮНЕСКОнинг маслаҳат органи бўлиб, ўз маддати доирасида жаҳон маданий мероси объектларида амалга оширишга мўлжалланган лойиҳаларни кўриб чиқишда тегишли хулосалар ва тавсиялар тайёрлашга ёрдам беради.

Сенаторлар қайд этганидек, Маданий ёдгорликларни сақлаш ва реставрация қилиш бўйича халқаро тадқиқот маркази Уставига Ўзбекистоннинг қўшилиши хорижий таъжрибани ўрганиш ва жорий этиш орқали тарихий обидаларни реставрация қилиш бўйича янги миллий мактабни шакллантириш, шунингдек, мамлакатимизда тарихий ёдгорликлар ва мезморий иншоотларни реставрация ҳамда консервация қилиш имкониятларини кенгайтиришга шариот яратади.

Қонун Сенат томонидан маъқулланди.

Шу билан бирга, навбатдаги ялпи мажлисда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига бола ҳуқуқлари ҳимоясини янада мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қонун барчанинг диққат марказида бўлди.

Муҳокама жараёнида таъкидланганидек, кейинги йилларда вояга етмаган болаларни қонунга хилоф диний таълим олишига айнан ота-оналарнинг ўзи олиб бориши ҳолатлари кўпайиб бормоқда.

Ҳуқуқ-тартибот органи томонидан олиб борилган ўрганишлар натижасига кўра 2021 — 2023 йиллар мобайнида ноқонуний диний таълимотдан саъбури билан боғлиқ 2 457 та мажбурий ҳуқуқбузарлик аниқланган. Уларнинг 1 479 таси “ҳужра” шариотида ташкил этилган бўлиб, уларда тахсил олаётганларнинг 60 фоизи вояга етмаганлардир.

Болининг қонунга хилоф фаолият билан шуғулланувчи, ҳеч қандай рўйхатдан ўтмаган, норасмий марказлар ва шахслардан диний таълим олиши натижасида уларнинг диний экстремистик гояларнинг қурбонига айланиб қолмаслигига ҳеч қандай кафолат бера олмайдми. Сўнгги 3 йилда диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноятлар бўйича жавобгарликка тортилган вояга етмаган шахслар сони 4 баравар ошган.

Қолаверса, бундай ноқонуний таълим жараёнида болаларга нисбатан турли оғир жиноятлар содир этилмоқда. Болани эркин ҳаракатланишини чеклаш ҳамда санитария-гигиена талабларига жавоб бერмайдиган бино ва хоналарда сақлаш, унга жисмоний азоб бериш ёки руҳий босим ўтказиш ҳолатларини, ҳатто жинсий зўравонлик қурбони бўлаётганлигини бунга яққол мисоллар сифатида келтириб ўтиш мумкин.

Мамлакатимизда диний таълим масаласи амалдаги қонунчиликда аниқ белгилаб қўйилган. Жумладан, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунда ва ундан олдинги қонунларда диний профессионал таълимнинг ҳуқуқий асослари қатъий белгиланган. Хусусий тартибда диний таълим билан шуғулланиш қонунга хилоф ҳисобланади.

Муҳокама этилаётган қонун оқорида қайд этилган салбий ҳолатларнинг олдини олиш, ота-оналар ҳамда уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг болаларни ўқитиш, таълим ва тарбия беришга доир мажбуриятларини бажариш бораосидаги масъулиятини кучайтириш, шунингдек, болаларнинг билим олиш ҳуқуқи кафолатларини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилганлиги алоҳида таъкидланди.

Мазкур қонун билан “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунга ва Ўзбекистон Республикасининг Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан болани қонунга хилоф равишда диний таълим олишга жалб қилишга йўл қўймаслик, шунингдек, ушбу қонунчилик талабига риоя этмаганлиги учун жавобгарлигини назарда

тутувчи ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Шу билан бирга, қонунда ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг ўз болаларини шахсий эътиқодларига мувофиқ диний ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш ҳуқуқи аниқ баён қилинмоқда. Мазкур норма Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 18-моддасида белгиланган қоидалар асосида киритилган.

Қонунда мазкур жараёнларда ота-онанинг масъулияти ва жавобгарлиги янада кучайтирилмоқда. Чунки ёш бола ўзи ноқонуний ҳужрага бориб қолмайди ва айнан ана шу жиҳат қонунда тартибга солинган.

Қонуннинг қабул қилиниши болаларнинг таълим олиш ҳуқуқи кафолатларини таъминлашга, уларнинг комил инсон бўлиб етилишига, турли оғир жиноятлар ва диний экстремистик гоялар қурбонига айланишининг олдини олишга хизмат қилиши сенаторлар томонидан таъкидланди.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенатнинг эллик бешинчи ялпи мажлисида Ўзбекистон учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индекслар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисидаги масала ҳам муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, сўнгги 4 йилда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий-ҳуқуқий соҳаларига оид халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш бўйича Президентимизнинг бир қатор Фармон ва қарорлари қабул қилинган.

Қонун орасида 2020 йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида”ги ПФ-6003-сонли Фармони юртимизда бу йўналишда амалга оширилаётган ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлди.

Утдан давр мобайнида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий соҳаларда олиб борилган ислохотлар натижасида бир қатор халқаро рейтингларда ижобий кўрсаткичларга эришилди.

Шу билан бирга, республикамизнинг халқаро майдондаги мавқеини янада ошириш, халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашда ихчам ва натижага йўналтирилган тизимини жорий қилиш ҳамда парламент ваколатларини кенгайтириш мақсадида 2024 йил 19 июнда “Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда ушбу соҳада парламент назоратини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Президентининг ПФ-91-сонли Фармони қабул қилинди.

Фармон билан Олий Мажлиси Сенати томонидан устувор халқаро рейтинг ва индексларнинг рўйхатини ҳамда самарадорлигининг энг муҳим кўрсаткичларини тасдиқлаш белгиланди.



Аксалт МухаммадДОВ олган суратлар.

Давлат хизматларининг рақамлаштирилиши, давлат органлари фаолиятига электрон технологияларнинг кенг жорий қилиниши натижасида Электрон ҳуқуматни ривожлантириш рейтингига давлат республикамиз ўз кўрсаткичининг 18 поғонага яхшилаб, 193 та давлат орасида 69-ўринни эгаллади ва бу борада “жуда юқори ривожланаётган” мамлакатлар қаторига кирди.

Бундан ташқари, коррупцияга қарши курашиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар Коррупцияни қабул қилиш индексидида мамлакатимиз кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатди. Жумладан, ушбу индексда 180 та давлат орасида Ўзбекистон кўрсаткичларини 2020 йилдаги 146-ўриндан 2024 йилда 121-ўринга олиб чиқишга эришилди. Умуман олганда, сўнгги 7 йилда индексдаги мамлакатимиз ўрни 36 поғонага яхшиланди.

Мамлакатимизда ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилган ислохотлар натижасида Ҳуқуқ устуворлиги индексидида Ўзбекистон сўнгги уч йилда ўз кўрсаткичларини 14 поғонага яхшилаб, 142 та мамлакат орасида 78-ўринни эгаллади.

Шу билан бирга, республикамизнинг халқаро майдондаги мавқеини янада ошириш, халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашда ихчам ва натижага йўналтирилган тизимини жорий қилиш ҳамда парламент ваколатларини кенгайтириш мақсадида 2024 йил 19 июнда “Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда ушбу соҳада парламент назоратини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Президентининг ПФ-91-сонли Фармони қабул қилинди.

Фармон билан Олий Мажлиси Сенати томонидан устувор халқаро рейтинг ва индексларнинг рўйхатини ҳамда самарадорлигининг энг муҳим кўрсаткичларини тасдиқлаш белгиланди.

Мажлис давомида мамлакатимиз учун 15 та устувор бўлган халқаро рейтинг ва индекслар ва уларга масъул вазирлик ва идоралар рўйхати ҳамда 2030 йилга қадар мақсадли кўрсаткичлар ишлаб чи-

қилганлиги қайд этилиб, Ўзбекистон Республикасининг устувор халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрни яхшиланиши тўғрисидаги миллий маърузани тайёрлаш юзасидан тегишли вазифалар белгиланди.

Сенаторларнинг фикрича, халқаро рейтинг ва индексларнинг ҳақиқий яхшиланиши тўғрисидаги миллий маърузани тайёрлаш юзасидан тегишли вазифалар белгиланди.

Мухомадан сўнг Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шунингдек, Сув ҳўжалиги вазирлигининг сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, соҳанинг бошқариш механизmlарини ҳамда қонунчилик базасини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар ижроси юзасидан ахбороти аштитилди.

Таъкидланганидек, Сенат сув ресурсларини муҳофаза қилиш, улардан оқилона ва самарали фойдаланиш, сувни бошқариш механизmlарини такомиллаштириш, соҳанинг қонунчилик базасини мустаҳкамлаш вазифаларини ижросига алоҳида эътибор қаратган.

Хусусан, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида 11 446 та сув ҳўжалиги объектида “ақлли сув”, 6 953 тасида “Дайвер” ҳамда 1709 та насос станциясида “онлайн” назорат қилиш куртиллари ўрнатилган. Шунингдек, 67 та ийрик сув ҳўжалиги объекти тўлиқ автоматлаштирилган.

Рақамли технологияларни қўллаш, 400 минг гектардан ортиқ майдонларда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш, зарур ирригация ва мелiorация тадбирларини амалга ошириш натижасида жорий йил биринчи ярим йиллигида 2 миллиард метр кубдан зиёд сув тежаланган.

КЕНГ ҚАМРОВЛИ ИСЛОҲОТЛАРДА МИЛЛИЙ ПАРЛАМЕНТАРИЗМНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан “Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларда миллий парламентаризмнинг ўрни ва roli” мавзусида конференция ўтказилди.

Анжуман

Унда депутатлар, сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатлари, Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда ОАВ вакиллари қатнашди.

Тадбирни Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари А. Саидов қириш сўзи билан очиб, мустақиллик Ҳужжатлари демократик миллий парламентнинг шаклланиши ва ривожланиши учун том маънода сиёсий-ҳуқуқий асос яратганини эътироф этди. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, кучли парламент ва халқ вакиллик органлари — янги Ўзбекистоннинг таянчи. Хозирги кунда мамлакатимиз парламенти ислохотларнинг фаол субъекти бўлиб, қонун ижодкорлиги йўналишида замон талабларига жавоб берадиган қонунларни қабул қилмоқда.

Таъкидланганидек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси қабул қилиниши туфайли Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятида янги давр бошланди ва қонун ижодкорлиги йўналишидаги фаолиятида туб бурилиш юз берди. Ушбу тарихий ҳужжатлар ўтган қисқа даврда халқ сайлаган вакиллик органлари — парламент ва халқ депутатлари Кенгашлари раҳбарлигида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини тубдан оширди.

Хусусан, давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлисининг ролини ошириш, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатида оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини янада кенгайтириш, шунингдек, қабул қилинаётган қонунларнинг амалга оширилишига ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида таъсирини кучайтиришга йўналтирилган ҳолда қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбарининг “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда. Жумладан, қонунчилик базасини тизимлаштириш, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш барқарорлиги таъминланди. Норма ижодкорлиги жараёнида за-



монавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишга ўтилди. Бу, ўз навбатида, парламент иш фаолиятининг бутунлай янги йўналишда ташкил этилиб, қонун лойиҳаларини қабул қилиш ва кўриб чиқишнинг демократик тартиб-қоидалари жорий этилишига туртки бўлди. Тадбирда айтилганидек, қонунларни қабул қилиш жараёнида кенг жамоатчилик иштирокини таъминлаш, фуқароларнинг хоҳиш-истакларини ҳисобга олиш, аҳоли ўртасида очиқ муҳокама-лар ўтказиш ҳуқуқий жиҳатларнинг сифатли бўлишида муҳим аҳамият касб

этомқда. Бундан ташқари, парламентнинг ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан таъсирчан парламент назоратини олиб бораётгани мансабдор шахсларнинг ҳам масъулигини оширишга хизмат қилляпти.

Шунингдек, Олий Мажлис палаталарида ҳудудлар билан тўғридан-тўғри, жумладан, масофавий ишлаш амалиёти кенг жорий этилгани, ҳудудларни ривожлантириш ва инвестиция дастурлари муҳокамасида тегишли ҳудуддан сайланган депутат ва сенаторларнинг иштироки фаоллашиб бораётгани ҳам самарали парламентаризмнинг исботидир.

Тадбирда сўз олганлар маҳалла институтининг самарадорлиги ошгани, халқ депутатлари Кенгашлари ҳудудларда мавжуд муаммоларни ҳал қилишда асосий бўлгани айланганлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг институционал асослари замон талабларига мослаштирилганини алоҳида қайд этди.

Яқунда иштирокчилар бугун Ўзбекистонда барча соҳадаги ислохотлар чуқурлашиб, демократик янгиланишлар сифат жиҳатдан янги поғонага кўтарилиб бораётганини алоҳида таъкидлашди.

«Халқ сўзи».



Каспий чекинмоқда

Кейинги йилларда Каспий денгизининг сув сатҳи тобора пасайиб бормоқда, минтақа мамлакатлари эса экологик вазият ёмонлашганидан хавотирда. Хусусан, илгари тўлқинлиб, шовуллаб турган денгиз орта чекинмоқда, қирғоқлар катта тепаликка айланмоқда.

Қирғоқбўйи давлатлар — Озарбайжон, Эрон, Қозғистон, Россия ва Туркменистон иқтисодий ва муҳим ўрин тутувчи Каспий денгизининг умумий майдони 368 минг квадрат километрдан ортук. Бу — Япония ҳудудидан ҳам катта. Денгизнинг шимолий нуктасидан жанубий нуктасигача бўлган узунлиги 1200 километр, кенглиги эса 320 километрни ташкил этади. Каспийнинг максимал чуқурлиги 1025 метрга етади.

Қирғизистонда энди ОСАГО мажбурий

Қирғизистонда автони қайта рўйхатдан ўтказишда мулкдорлар бошқа ҳужжатлар билан бир қаторда фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги мажбурий суғурта қилиш (ОСАГО) тўғрисидаги шартномани ҳам тақдим этиши керак.

Бу бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилди. Ушбу мамлакатда автотранспорт воситалари эгаларининг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун қарийб тўққиз йил олдин имзоланган эди. Бироқ ОСАГО полиси йўқлиги учун жазима санкцияларини жорий этиш мuddати бир неча бор қолдирилди. Сўнгги ўзгаришларга кўра жисмоний шахсларда 2025 йил 1 январьдан вақт бор. Аммо юридик шахслар, жумладан, давлат органлари, шунингдек, бошқа давлатларда рўйхатдан ўтган автотранспорт воситалари эгалари ва (ёки) ҳайдовчилар мулкда ёки эгаллигида бўлган автомобиллар учун талаблар 2023 йил 1 апрелдан қучга кирган.

Фавкулда ҳолат эълон қилинди

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) чоршанба кўни бўлиб ўтган йилгида илгари “маймун чегаги” деб номланувчи “тпрох” эпидемияси сабабли соғлиқни сақлаш соҳасида глобал фавкулда ҳолат эълон қилди.

Ташкилот бош директори Тедрос Гебрейесус “Х” ижтимоий тармоғида “тпрох” билан боғлиқ вазият аллақачон халқор микёсда хавотир уйғотаётганини ёзди.

Авалборқ, Африка касалликлар назорати ва профилактикаси марказлари “тпрох” эпидемияси сабабли соғлиқни сақлаш соҳасида фавкулда ҳолат эълон қилган. Хозирда Африканинг 18 та давлатида 15 мингдан ортук ҳолатлар ва 461 ўлим қайд этилган, бу ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 160 фоиз кўндр. Умуман, Африкада касалликни назорат қилиш учун 10 миллион доза вакцина керак, хозир эса атиги 200 минг доза мавжуд.

Эслатиб ўтамиз, 2022 йил июль ойида ҳам ЖССТ “тпрох” эпидемиясини глобал фавкулда ҳолат деб эълон қилган. Уша пайтга келиб, тахминан 70 мамлакатда 16 мингдан ортук касаллик ҳолатлари қайд этилган.

Журналистлар иш ташлади

Сенегал оммавий ахборот воситалари ҳукуматнинг матбуотга босимига эътироф сифатида иш ташлади. Телеканал ва радиостанциялар эфирга чиқмади, ҳукуматга хайрихоҳ бўлмаган қундалик газеталар чоп этилмади.

“Авалборқ иккита етакчи спорт газетаси молиявий қийинчилик туфайли ўз фаолиятини тўхтатган эди. Яна еттига хусусий нашр ёпилиш хавфи остида”, деб ҳисоблайди “Чегара билмас мухбирлар” ташкилоти вакиллари. Сенегал матбуот тарқатувчилари ва ноширлари кенгаши вакилининг айтишича, ҳукумат солиқ қардорлиги баҳосида ушбу хусусий ОАВнинг банк ҳисоб рақамларини “муз”латиб қўйган ва жиҳозларини мусодара қилган. “Чегара билмас мухбирлар” матбуот эркинлиги индексида кўра тўрт йил ичида Сенегал рейтингни икки баравар — 47-ўриндан 94-ўринга тушиб кетган.

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

Қонунчилик палатаси қўмиталарида

ОҚИБАТ ЭМАС, САБАБНИ АНИҚЛАШ МУҲИМ

Айни кунларда Қонунчилик палатасида бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишга тайёрланмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси палатанинг ялпи мажлисида биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилингандан кейин масъул қўмитага кўплаб саволлар, таклиф ва тавсиялар келиб тушган.

Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг эксперт гуруҳи аъзолари, ташаббускор депутатлар, мутахассислар ва олимлар иштирок этган Ишчи гуруҳнинг кенгайтирилган йиғилишида қонун лойиҳасидаги нормалар бирма-бир кўриб чиқилиб, такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Омбудсманнинг ўз фаолияти натижадорлиги таъсир чораларига бағишланган нормалар принципини қайта кўриб чиқилди. Яъни таъсир чоралари тури сифатида тақдимнома киритиш, оғоҳлантириш эълон қилиш, хулоса юбориш, талабнома киритиш каби нормалар кўриб чиқилиб, лойиҳада алоҳида боб сифатида кўрсатиш мақсада мувофиқ деб топилди.

Жумладан, тақдимномада қуйидагилар назарда тутилмоқда.

Омбудсман томонидан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиш бўйича ташкилотлар ва мансабдор шахсларга аниқланган ҳуқуқбузарликлар бўйича уларни сонинг эътибори имкон яратган сабаб ва шарт-шароитларни бар-тараф қилиш тўғрисида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритилди.

Тақдимнома кенгайтирмай кўриб чиқилиши ва кўрилган чоралар тўғрисида Омбудсманга, агар бошқа мuddат белгиланмаган бўлса, ўн беш кундан кечиктирмай ёзма шаклда хабар қилиниши лозим. Шунингдек, талабнома киритиш институти тўғрисидаги норма таклиф берган депутатлар иштирокда такомиллаштирилмоқда.

Масъул қўмитада ушбу қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш ишлари давом этмоқда.

СУВ КОДЕКСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛМОҚДА

Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси томонидан “Ўзбекистон Республикасининг Сув кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама-сига бағишланган Ишчи гуруҳ йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишида қонун лойиҳаси атрофлича кўриб чиқилиб, уни биринчи ўқишда ялпи мажлисда муҳокама этиш жараёнида депутатлар томонидан берилган бир қатор таклифлар чуқур таҳлил қилинди.

Хусусан, депутатлар кодекс лойиҳасини такомиллаштириш давомида асосий эътиборни сувдан оқилна фойдаланиш, самарали бошқариш ва муҳофаза қилишни таъминлайдиган ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга, сув этакчи берувчилар ва сув истеъмолчиларининг масъулиятини оширишга қаратмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатнинг сув хавфсизлигига эришиш, глобал сув тақчиллиги кучайиб бораётган даврда барча иқтисодий тармоқларининг ва атроф-муҳитнинг ушбу ресурсга бўлган эҳтиёжини қондириш, мазкур неъматдан оқилна фойдаланиш, сув инфратузилма-сининг ва суғорилидиган ерларнинг ҳолатини яхшилашга хизмат қилади.

Хозирги кунда масъул қўмитада қонун лойиҳасини такомиллаштириш ишлари давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ОИЛАГА БАРАКА КИРИТАДИ

Кейинги йилларда Ўзбекистонда камбағалликка барҳам беришга ёндашув тубдан ўзгаргани, янги тизим яратилгани ва у доимий такомиллашиб бораётгани ортидан аҳоли даромадлари ошаётгани реал рақамларда намоён бўлаётди.

Акс садо

Тарихан қисқа — атиги тўрт йил ичида тизимли чора-тадбирлар ўзининг самарасини бериб, уч миллиондан зиёд ватандошларимизнинг турмуш шароити яхшиланди. Камбағаллик даражаси 17 фоиздан 11 фоизга тушди. Жаҳон банки шу йил май ойида эълон қилган “Ўзбекистоннинг камбағаллигини қисқартириш йўли: халқор таққослаш дастури хулосалари” ҳисоботида Ўзбекистон бу соҳада энг юқори натижага эришган мамлакатлардан бири бўлиб қолаётгани қайд этилган ҳам бежиз эмас.

Шу ўринда аниқ рақам ва далилларга мурожаат қилсак. Биламики, камбағал қатламнинг катта қисми қишлоқ жойларда ашайди. Жаҳон банки экспертлари ўрганишлар асосида мамлакатимизда 2021 — 2023 йилларда қишлоқ жойларида 1,2 миллион аҳоли (шаҳарларда эса 400 минг киши) камбағалликдан чиқарилганини қайд этди. Юртимиз бўйлаб хусусий мактаблар сони 2018 йилдаги 30 тадан 2023 йилга келиб 350 тагача кўпайган. Бу маълум тўлов эвазига сифат-



ли таълимни кафолатловчи мактабларга аҳолининг талаби, шунга яраша моддий имконияти ҳам ошиб бораётганини кўрсатади.

Статистика агентлиги маълумотларига кўра, туризм мақсадларида хорижа чикқан фуқаролар сони 2016 йилдаги 295 минг кишидан 2023 йилда 661 минг кишига (ўсиш — 2,2 баравар), туризм хизматлари импорти 340 миллион доллардан 1,3 миллиард долларга етган.

Одамни руҳлантирадиган бундай дадил ўзгаришлар нимадан далolat? Шубҳасиз, бу аҳолининг жон бошига даромадини ошириш, халқимиз турмуш даражасини кўтариш, иқтисодий ривожланиш билан бир қаторда ижтимоий қўмакка муҳтож қатлам, хусусан, камбағаллар сонини қисқартириш йўлида олиб борилаётган амалий ишларнинг ҳаётий тасдиқидир.

Шу билан бирга, бугунги кунда мазкур соҳада мазмун-моҳиятан янги ёндашувлар кераклиги, камбағалликни қисқартириш ва ижтимоий ҳимояни бир-биридан ажратмай, аксинча, бир бунун тизимга айлантириш аниқ зарурат экани яққол кўринмоқда.

ҳамда камбағалликка тушиш хавфи юқори бўлганлар киритилди. Бундай оилалар “маҳалла етилиги” ва фаоллари томонидан овоз бериш йўли билан тасдиқланади. Камбағалликдан чиқаришга қаратилган барча ижтимоий хизмат ва ёрдамлар “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари томонидан амалга оширилади.

Яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, эндиликда нафақат оғир шароитда яшаётган оилалар, балки камбағаллик даражаси юқори бўлган маҳаллалар рўйхати ҳам тузилиб, ҳар йили 50 та ана шундай тоифадаги маҳаллани ишсизлик ва унга соядек эргашуви камбағалликдан ҳоли ҳудудга айлантириш чоралари кўрилади. Эҳтиёжманд инсонларни иш билан таъминлаган тадбиркорлар учун солиқ имтиёзлари жорий қилиниши, бизнингча, энг мақбул ечимлардан бири бўлади.

Ўрни келганда айтиш жоизки, ижтимоий ислохотларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилдиган бундай истиқболли тизимнинг йўлга қўйилиши Халқ демократик партиясининг дастурий мақсадлари билан ҳаммоҳандир. Биз ушбу йўналишдаги ислохотларда ҳам фаол иштирок этамиз.

Уллубек ИНОЯТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси раҳбари.

Давлат дастури: ИЖРОДАГИ СУСТАКАШЛИКЛАР ТАҲЛИЛИ

Аввал хабар берганимиздек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни кўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг 2024 йил биринчи ярим йилидаги ижроси юзасидан ҳисоботи муҳокама қилинди.

Муносабат

Мажлисида айтиб ўтилганидек, давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Президентимизнинг 8 та Фармони, 9 та қарори, Ҳукуматнинг 13 та қарори ва 25 та бошқа ҳужжат қабул қилинган. Жумладан, норма ижодкорлиги фаолиятининг ислохотлар билан уйғунлигини таъминлаш ва давлат ҳуқуқий сиёсатининг институциявий асосларини ривожлантиришда шу йил 19 февралда имзоланган “Қонунларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ролини ҳамда норма ижодкорлиги жараёни сифатини янада ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўқоридагилардан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталари аъзолари давлат дастурининг биринчи ярим йилликдаги ижроси юзасидан ўз фикрларини билдирди.

Нодир ТИЛАВОЛДИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари:

— Қўмитамиз асосий эътиборни давлат дастури доирасида ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳоли ўртасида ишсизликни камайтириш, ташқи меҳнат миграцияси тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган ишларга қаратди. Албатта, ҳисобот даврида ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича манзилли чоралар қўрилган. Бунга алоҳида эътироф этамиз. Шу билан бирга, дастурдаги айрим вазифалар ижроси бўйича бошланган ишлар якунига етказилмаган.

Масалан, ишга қабул қилишда иш берувчилар томонидан талаб этилаётган шахсни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси, меҳнат дафтарида ҳамда нусхаси каби ҳужжатлар сонини қисқартиришни назарда тутувчи “Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси шу йилнинг май ойида тайёрланиши белгиланган бўлса-да, лекин хозирги кунга қадар Қонунчилик палатасига киритилмаган.

Шундан келиб чиқиб, биз дастурда белгиланган, лекин айрим сабабларга кўра ижроси таъминланмаган вазифалар бўйича депутат ва парламент назоратини кучайтиришимиз лозим. Зеро, унинг ҳар бир бандида белгиланган вазифалар ўз вақтида бажарилиши керак.

Турғонбой ХўЖАНАЗАРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари:

— Ҳукуматнинг давлат дастури ижроси юзасидан ҳисоботи яқинда бизнинг қўмитамизда ҳам атрофлича кўриб чиқилди. Ҳисобот даврида ҳукумат томонидан “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 2024 йил баҳорги кўчат экиш мавсумида мамлакат бўйича 138,1 млн. туп даракт ва бута қўчати экилганлигини қўмитамиз алоҳида эътироф этди.

Шундан келиб чиқиб, ҳукуматни давлат дастурида бажарилиши белгиланган айрим вазифаларни ўз мuddатида ҳамда сифатли амалга ошириш, мuddати узайтирилган ва якунига етказилмаган бандлар ижросини ўз вақтида таъминлаш чораларини кўриши лозим, деб ҳисоблайди.

Абдигани УМИРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси аъзоси:

— Дастур ижросини таъминлаш борасида самарали ишлар олиб бориладиган қарамай, айрим вазифалар ижроси тўлиқ бажарилмай қолган. Масалан, лизинг хизматлари курсатуви ташкилотларнинг фаолиятини йўлга қўйиш тартибининг белгиланиши бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш жорий йилнинг июнь ойига қадар бажарилиши белгиланган бўлса-да, лекин ушбу вазифа ижроси айрим сабабларга кўра кечикмоқда.

Шунингдек, темир йўл транспорти соҳасида давлат томонидан тартибга солинадиган ва бозор таъминоти асосида кўрсатилмаган хизматлар рўйхатини тасдиқлаш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини тайёрлаш мuddати шу йилнинг март ойига қадар бажарилиши белгиланган бўлса-да, ушбу вазифа ижроси ҳам таъминланма-дан қолмоқда.

Биз давлат дастурининг олти ойлик ижросини қўмитамизда атрофлича кўриб чиқиб, унда белгиланган ва ўз вақтида бажарилиши қолган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан ҳукуматга таклиф ва тавсияларимизни бердик. Ўз навбатида, мазкур дастурий ҳужжат ижроси устидан доимий парламент назоратини олиб борамиз.

«Халқ сўзи».

МУКАММАЛ СТРАТЕГИЯ – ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Стратегия моҳият эътиборига кўра мамлакатимизнинг мактабгача, мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг тарбиячиларига, ўқитувчиларига бўлган эҳтиёж сифатли қондириш, туманлар ва қишлоқ жойлардаги таълим муассасаларини юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлаш ҳамда халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли педагог кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, таълим сифатини илгор хорижий тажрибалар ҳамда рақамлаштириш технологиялари ёрдамида юксалтиришни кўзда тутади.



Фозилжон МУХАМЕДОВ,
Чирчиқ давлат педагогика университети ректори,
Ўзбекистон Республикаси фан арбоби.

Стратегиянинг миссияси — илгор хорижий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган замонавий таълим дастурлари, илм-фан ва амалиёт янгилиги ҳамда инновацион таълим амалиёти ютуқлари, рақамлаштириш технологиялари уйғунлашган ижтимоий ҳамкорликни кучайтириш орқали университетнинг халқаро имижини яратиш. Мақсад эса илгор хорижий тажрибалар бўйича ишлаб чиқилган замонавий таълим дастурлари, психологик-педагогик фанлар ва инновацион таълим амалиёти ютуқлари, ижтимоий ҳамкорлик асосида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишдан иборат.

Меъёрлар шароитида касбий вазифаларини компетентлик асосида ҳал этишда, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда, кенг дунёқараш ва маънавий-ахлоқий фаолиятини илгор ахборот технологиялари билан яхлит ҳолда олиб боришни таъминлаш таъминоти.

Аёнки, педагогика илми таълимни ривожлантириш, шахсни шакллантириш, малакали мутахассисларни тайёрлаш ва ижтимоий масалаларни ҳал этишда муҳим ўрин тутди. Педагогика бизга таълим, тарбия ҳамда ривожланиш жараёнини тушуниш ва янада самарали таълим тизимини яратишга ёрдам беради. Шуларни инобатга олган ҳолда стратегияда ўрта ва узоқ муддатли асосий устувор вазифалар университет кенгаши томонидан устуворлигига мувофиқ танлаб олинган ва улар ўзида халқаро даражадаги илмий тадқиқотлар олиб борувчи энг самарали илмий-ижодий жамоаларни жамлаган илмий-тадқиқот марказларида амалга оширилади.

Стратегиянинг истиқболли нигоҳи — сифатли таълим, илгор тадқиқот, инновацион экотизим ва жамият билан ўзаро рақамлашган алоқага эга халқаро даражадаги университет, яъни "Университет-3.0" (таълим, фан ва инновация) моделидан "Университет-4.0" (таълим, фан, инновация ва жамият билан ўзаро рақамлашган алоқа) моделига ўтиш.

Мазкур марказларда педагогика фан тармоғига тегишли қатор замонавий масалалар бўйича изланишлар олиб борилаётганда. Хусусан, таълимнинг инновацион технологияларини такомиллаштириш, инклюзив педагогикани юксалтириш, "Барқарор ривожланиш учун таълим", "Рақамли жамиятда таълим", "Шахсга йўналтирилган таълим", замо-

навий педагогик ёндашувлар бўйича тадқиқотлар қилинган.

Илмий-тадқиқот марказлари университети ресурсларни жамловчи, магистратура ва докторантура даражасида ўқув дастурларини амалга оширувчи бўгин ҳисобланиб, профессор-ўқитувчиларимиз изланишларнинг асосий қисмини мазкур марказларда олиб боради.

Инновацион экотизим университети таълим жараёни шакллари, усуллари, технологияларини муаммоли тадқиқотчилик, фаол ва жамоавий таълим стратегиялари асосида модернизациялаш орқали яратилади. Бунда таълим парадигмасидан таълим парадигмасига ўтилади, яъни ўқув режаларида талабаларнинг аудитория, аудиториядан ташқари ва мустақил ишлаши қайта қўриб чиқилади.

устувор йўналиши ахборот-коммуникация ва рақамлаштириш технологияларини таълим жараёнига кенг татбиқ этишда кўзга ташланади. Шу боис ҳам маърузалар, семинарлар, лаборатория ишлари, талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этишда рақамли технологияларга тизимли равишда ўтиш фоят муҳим ҳисобланади. Бунинг учун таълимнинг замонавий воситалари базасида педагогик йўналтирилган методик таъминоти такомиллаштириш талаб этилади. Бунда ишлаб чиқилган ахборот-таълимий ресурслар ўқув муассасаларининг ягона таълим муҳитини пайдо қилиш учун уларнинг очиқлиги, тез ва қулай шаклда олиш мумкинлиги ва диверсификациясини таъминлаш муҳим.

Педагогик таълимнинг сифати "Кимни ўқитамиз?", "Нимани ўқитамиз?", "Ким ўқитади?", "Қандай ўқитамиз?"

Олий педагогик таълимда амалиёт жараёни тубдан янгиланиши керак. Бизнингча, у биринчи босқичдан бошланиши ва бутун ўқиш давомида узлуксиз, самарадор характерга эга бўлиши лозим. Бунда талабалар нафақат таълим муассасаларида қузатувчи сифатида дарсларда ёки тарбиявий тадбирларда қатнашиши, балки педагогик амалиёт учун база бўлиб хизмат қилаётган мактаб, мактабгача таълим ва бошқа таълим муассасаларининг амалдаги ўқув ва тарбиявий ишларида бевосита иштирок этиши зарур.

Бўлажак педагогларни касбий фаолият муҳитига олиб киришнинг энг самарали механизмидан бири — волонтерлик. Педагогик олий таълим муассасаларидаги волонтерлик фаолияти педагогик амалиёт шаклларида бири сифатида қаралиши лозим. Шу нукта назардан, университет стратегиясида педагогик амалиёт механизмларини такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратилди.

Стратегияда таълим фаолиятини рақамлаштириш орқали сифат ва самарадорликни оширишга алоҳида аҳамият берилган. Ахборот жамиятида мактабгача, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқув жараёнини замонавийлаштиришнинг

каби фундаментал саволларга аниқ ва сифатли жавоб бериш билан таъминланади. Бу борада замонавий ўқув дастурлари, педагог кадрларни ўқитишнинг янги технологиялари, шунингдек, мактабгача ва мактаб таълимида бошлаб юқори малакали педагог кадрларни тайёрлашнинг мотивацион механизмларини ишлаб чиқиш зарур бўлади.

Биз тақлиф қилаётган стратегияда бундай механизм сифатида "Педагогик таълим инновацион кластери" модели илгари сурилган. Педагогик таълимга рақамлаштиришнинг янги мазмуни ва технологияларини жорий этиш узлуксиз ўқув замири, яъни педагогик таълимни кластер модели асо-

сида ташкил қилишни таъминлаш таъминоти.

Университетда илмий тадқиқот ва таълим ахралмас ҳолда олиб борилади. Шу муносабат билан таълим ва тарбия назарияси, дидактика, педагогик психология, педагогика тарихи, ижтимоий таълим, таълимни бошқариш каби асосий фанлар олий йўналишлар ҳамда улар билан боғланган илмий-тадқиқот марказлари магистрлик ва докторлик дастурларининг интеллектуал ва ташкилий асоси сифатида хизмат қилади ҳамда уларнинг мазмун-моҳиятини белгилаб беради.

Стратегияда университетга юқори мотивацияга эга бўлган абитуриентларни жалб этиш масаласига алоҳида ўрин берилган. Шу боис иш берувчиларнинг фаол иштироки орқали касбга йўналтиришнинг турли тадбирларини ўз ичига олган "Карьера кунлари" мақсади инновацион дастурни амалга ошириш йўлга қўйилган.

Профессор-ўқитувчиларнинг илмий ва методик салоҳиятини ошириш стратегиянинг асосий вазифаларидан бири. Унга асосан, университетда юқори малакали илмий ходимлар тайёрлаш сифатини, замонавий психологик-педагогик фанлар амалиёти ва дастурлари, узлуксизлик ва узвийлик тамойиллари билан боғлиқ долзарб муаммоларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш орқали юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёж таъминланади.

Юқори малакали илмий ходимларни тайёрлаш жараёнини тизимли равишда амалга ошириш ҳам асосий масалалардан бири. Бу илмий тадқиқот ишларини юксак даражада такомиллашти-

риш, бакалавр ва магистрларнинг ўқув-тадқиқот ишларини ташкил этиш, таянч докторант ва докторант тайёрлашнинг самарадорлигини аниқ мониторинг қилиш ва сифат назоратини ўрнатиш, замонавий талабларга мос бошқарув тизимининг таркибий структурасини шакллантиришга бевосита боғлиқ.

Педагогик таълимни ривожлантиришнинг муҳим шарты ўқув муассасаларини сифатли тайёрлаш учун барча турдаги ресурсларни такомиллаштириш ҳисобланади. Айни шу шарт асосида, яъни педагогик таълимнинг ресурслар билан таъминлашни такомиллаштириш орқали университетда ахборот инфратузилмаси яратилади. Педагогик таълимнинг моддий-техник таъминотини ривожлантиришнинг асосий йўналиши мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, олий ва қўшимча таълим муассасаларининг ўқув лаборатория базаларини, уларнинг ижтимоий-маданий инфратузилмасини ривожлантириш ҳисобланади. Бу университетнинг иқтисодий ва таълимий барқарорлигини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш орқали амалга оширилади.

Бунда педагогик таълимни ривожлантириш лойиҳаларини молиялаштиришда бизнес ҳамкорларни жалб қилиш механизмларини ишлаб чиқиш, қўшимча таълим, консултациялар, спорт, кўнгилочар ва ўқувнинг бошқа пуллиқ хизматларини ташкил этишни таъминлаш билан боғлиқ муносабатларига асосланган бюджетдан ташқари маблағларни жалб этишга қаратилган кўп тармоқли механизмларни кенгайтириш аниқ муддаодир.

Бугунги кун педагогикаси жиддий ислоҳотга муҳтож. Бунда асосий бўгин ҳисобланган педагогик олий таълим муассасаларида таълим мазмуни ва шакли билан боғлиқ жиддий модернизацион чоратадбирларни амалга ошириш талаб этилади. Бу борада ҳар бир педагогик олий ўқув муассасаси ўзининг ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган стратегиясини ишлаб чиқиши, унда педагогик таълимни тубдан такомиллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирлар белгилаши зарур. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, мукаммал стратегия тараққиёт гаровидир.

МАНБАСИНИ СУРИШТИРМАЙ МАЗАСИДАН РОҲАТЛАНМАНГ!

Бу йил ёз жуда иссиқ келди. Шундай қуёшли кунларда иссиқ тафдан беҳузур бўлмасликнинг бир йўли бу — музқаймоқ тановул қилиш. Ушбу роҳатидон маҳсулот ёзнинг энг севимли егуликларидан бири саналиши бежиз эмас, чунки ундаги ширин таъм ва салқинлик кишининг иссиқдан ҳориган вужудини тетиклаштиради.

Мушоҳада

Айни кунларда ҳам кўча-кўйлару дўконларда музқаймоққа талаб юқори, унинг бозори қаққон. Шу боис мазкур егуликнинг турлари ҳам кўпайиб, улар орасидаги сифат тафовути юзага келмоқда.

Биз севиб истеъмол қиладиган музқаймоқ, асосан, сут маҳсулотидан тайёрланиши сабабли тез ўзгарувчанлик хусусиятига эга. Шунинг учун ҳам уни доим совуқ ҳароратда сақлаш талаб этилади. Агар иссиқлик таъсирида музқаймоқ эриса, қайтадан музлатиб, истеъмол қилиш мумкин эмас. Чунки жараён давомида маҳсулот таркиби ўзгариб, бактерияларни ўзига жалб этиш хусусияти ортади.

Афсуски, бугун кўчада нолийқ идишларда музқаймоқ сотиш ҳолатлари қузатилмоқда. Табиий-

ки, бу идишлар музлаткич имкониятларига эга эмас. Шу сабабли ичидида маҳсулотни етарли даражада салқин ва сифатли сақлаб беролмаслиги ҳам бор гап.

— Бугунги кунда йўл-йўлакай сотилаётган музқаймоқлар кўпайди, — дейди Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитаси бошқарма бошлиғи Жуман Тўйчиев. — Охириги пайтларда ана шу маҳсулотлардан истеъмолчиларнинг захарланиш ҳолатлари юзага келмоқда. Кўча-кўйда сотилаётган музқаймоқ солинган аксарият идишлар санитария-гигиена талабларига жавоб беради. Бундай пластик идишларни эса кимёвий усулда зарарсизлантириш имконияти ҳам мавжуд эмас. Захарланиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида назорат рейд тадбирларини олиб бормоқдамиз. Маҳсулотлардан назорат таҳлили олганимизда

кўчада сотилаётган музқаймоқ таркибида стафилококк бактерияси аниқланди. Қайд этиш жоизки, кўп ҳолларда стафилококк иккиламчи инфекцияларнинг ривожланишига сабаб бўлади. Патоген стафилококк тушган сут ва сут маҳсулотлари — торт, музқаймоқ ва бошқа озиқ-овқатларни истеъмол қилганда киши захарланиши мумкин.

Йўл-йўлакай сотилаётган музқаймоқларнинг қачон ва қаерда, қандай шароитда ишлаб чиқарилгани, таркиби, сақлаш муддати ҳамда шароити тўғрисида ҳеч қандай маълумот йўқ. Шунингдек, бу маҳсулотни сотаётган сотувчилар махсус кийим-бош киймаган ва уларнинг тиббий кўрикдан ўтгани тўғрисида махсус юритиладиган дафтари ҳам мавжуд эмас. Талабга кўра машиқ хизмат кўрсатувчи корхоналар, савдо шохобчалари ва озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси билан шугулланадиган ходимлар ҳар олти ойда тиббий кўрикдан ўтиб туришлари зарур.

Дарҳақиқат, иссиқ тафтин олувчи музқаймоқ хариди жараёнида аҳоли маҳсулот солинган идишнинг ички санитар ҳолатини кўрмасдан истеъмол қилиши мумкин. Шу боис махсус қадқоқ ва ёрликларга эга, музлаткичда сақ-

ланаётган музқаймоқни сотиб олиш мақсадга мувофиқ. Унутмаслик кераки, номаълум шароитда тайёрланган, сифат кўрсаткичлари санитария талабларига мутлақо жавоб бермайдиган маҳсулотлар ошқозон-ичак фаолиятини бузиб, инсон саломатлиги билан боғлиқ нохуш ҳолатларни келтириб чиқаради.

Табобат отаси Гиппократ музлатилган мева шарбати ва қиёмни қайфиятни кўтарувчи ҳамда организмни тетиклаштирувчи маҳсулот сифатида тавсия этган.

— Музқаймоқ асаб ва ошқозон-ичак фаолиятининг бир маромда кечилишида фойдали, аммо бу маҳсулотни тайёрлашда санитария-гигиена қоидаларига амал қилиш жуда зарурий омил, —

...1851 йилда америкалик Жецкоб Фассел томонидан Балтимор шаҳрида биринчи музқаймоқ ишлаб чиқарувчи завод қурилган. Ушундан буён ўтган 170 йилдан кўпроқ вақт давомида ушбу егулик тайёрлаш усулини такомиллаштириш мунтазам давом этиб келмоқда. Ўзбекистонда ҳам музқаймоқни стандартларга мос равишда, сифат ёрликларини, ишлаб чиқариш маълумотларига эга ҳолда ишлаб чиқарадиган заводлар жуда кўп. Юртдошларимиз ўз соғлиғига эътиборли бўлиб, ана шундай жойда ишлаб чиқарилган роҳатбахш маҳсулотларни истеъмол қилса, нур устига нур. Зеро, халқимиз нақл этганидек, саломатлик — туман бойлик. Бу бойликни асраб қолиш эса, аввало, ўзимизга боғлиқ.

Элёр ҲАЙДАРОВ
(«Халқ сўзи»).

ФУТБОЛ

«ПАХТАКОР» ВА «НАСАФ» ЖАМОАЛАРИНИНГ РАҚИБЛАРИ МАЪЛУМ

Кеча Осие футбол конфедерациясининг янги мусобақаси — Элит чемпионлар лигасининг илк мавсуми учун қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Унда қитъанинг Шарқ ва Ғарб минтақасидан рейтинг баланд мамлакатлар чемпионлари ҳамда қўшимча юқори балларга эга жамоалар қатнашди. Юртимиз шарафини мазкур турнирда мамлакат чемпиони «Пахтакор» ҳимоя қилади.

Вакилларимиз «Ал Садд», «Ал Ғарафа», «Ал Райан» (Қатар), «Ал Шорта» (Ироқ), «Персеполис», «Истиклол» (Эрон), «Ал Васл», «Ал Айн» (БАА) каби жамоалар билан кейинги босқичга чиқиш учун кураш олиб боради. Максим Шацкич мураббийлигидаги «Пахтакор» учрашувларнинг тўрттасида сафарда тўп курс, тўрт рақибини ўз майдонида қабул қилади.

Шунингдек, Ўзбекистон кубогининг амалдаги соҳиб — Қарши шахрининг «Насаф» жамоаси Осие чемпионлар лигасида ўз иштироки билан голиблик учун майдонга чиқади. Рўзкул Бердиев шогирдлари мусобақанинг «D» гуруҳида «Шабаб Ал Ахли» (БАА), «Ал Хусайн» (Иордания), «Кувайт СК» (Кувайт) каби жамоалар билан тўқнаш келади. Бахслар уй-сафар тизимида бўлиб ўтади.

«Халқ сўзи».

Грузияда ўтказилган «Black Sea Fest» халқаро фестивал танловида Республика ихтисослаштирилган дизайн мактабининг 11-синф ўқувчиси Мирфозил Мирқомиллов «Art» номинациясида биринчи ўринни эгаллади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буортма Г — 842. 12 771 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқат маълумотларини оқиб олган учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қотибхизмат 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.

Таҳририятга келган кўлабмақал тақриб қилинмайди ва малафига қайтарилмайди.

Газетанинг муҳри беришни учун обунани расмийлаштиришга ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термид ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан сақланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислоҳ Каримов кўчаси, 55-уй.

Набатчи муҳаррир — Т. Эшбоев.
Мусаҳҳих — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.20

Топширилди — 23.55 1 2 3 4 5 6